


СЕРВИС

№2

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ**

2020



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2020 йил, 2-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда 0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Рёисэтининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

Тахририят ижодий жамоаси:

Бош муҳаррир:

и.ф.д. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир ўринбосари:

доцент Д.Х.Асланова

Маъсул котиб:

профессор М.Қ.Пардаев

Муҳаррир:

Ф.А.Сафаров,

Техник муҳаррир:

С.Хусенов,

Корректор ва

сахифаловчи:

Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудда тарқатилди.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53

эл. почта:

samitserwis@inbox.uz

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, иқтисод фанлари доктори

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, доцент

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори

Б.К.Ғоибназаров – ЎЗР Давлат Статистика қўмитаси Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази директори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Д.Р.Зайналов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори

О.М.Муртазаев – Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети Самарқанд филиали директори, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори, иқтисод фанлари доктори

И.С.Тухлиев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори

М.М.Муҳаммедов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори

К.Б.Урашов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори

К.Ж.Мирзаев – СамИИСИ ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Б.И.Исроилов – ЎЗР Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор


Б.Абдуқаримов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари номзоди

Б.У.Нуруллаев – Самарқанд вилояти ҳокимининг туризми ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари

МУНДАРИЖА

НАЗАРΙΑ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
М.Қ.Пардаев, О.М.Пардаева Ўзини ўзи иш билан банд қилишнинг 7P модели	5
А.А.Илёмов Фарғона вилояти ҳудудий корхоналарининг sanoat маҳсулотлари экспорти: муаммо ва ечимлар	11
О.Шерматов, Б.Раҳмонова Инфратузилманнинг моҳияти ва иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти	16
ИННОВАЦИЯ	
Ш.С.Олтаев Таълим хизматлари бозорини инновацион ривожлантиришнинг усувлар йўналишлари	19
А.А.Тураев, Ж.М. Гадаев Инновацион корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари	22
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Э.А.Муминова Рақамлаштирилган миллий иқтисодиётта блокчейн технологиясини жорий этиш истиқболлари	26
А.Н.Намиданов, В.В.Векпазаров, Д.Т.Раҳмонова Raqamli iqtisodiyot biznesda yangi imkoniyatlar	31
О.К.Хуррамов Ўзбекистонда рақамли туризмини ривожлантириш истиқболлари	34
ҚИШЛОҚ ХҲҲАЛИГИ	
Р.Нормаҳматов, Д.Мирзаахматов, Ў.Абдурайимов Ўзбекистонда лимончиликни ривожлантириш истиқболлари ва лимон меvasидан оқиллона фойдаланиш имкониятлари	39
МЕХНАТ ВА БАНДЛИК МУАММОЛАРИ	
З.М.Усманова К проблемам мотивации персонала на промышленных предприятиях	43
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
А.А. Азизкулов Хусайн Воиз Кошифийнинг илмий меросида хизмат кўрсатиш одоблари талқини	47
Ғ.Ғ.Ғолиқуллова, Ғ.Ғ.Ғолиқуллова, М.Қ.Низомов Restoran biznesi boshqaruvida taom buyurtma qilishning avtomatlashirilgan tizimlari	50
О.Х.Ҳолиқуллов, О.М. Эсанов Ўзбекистон Республикасида транспорт хизматлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалалари	55
О.М.Пардаев Коммунал хизматлар таърифини такомиллаштириш ва унинг илмий-назарий ҳамда амалий аҳамияти	59
Dilrabo Malikova Consulting services in the economy of Uzbekistan	62

Iste molchi bilan yaqindan hamkorlik qilishga o'tishni ishlab chiqarish korxonalarining ishlalarni muhim o'zgarishdagi mantiqiy bosqichi sifatida tavsiflash mumkin. Ishlab chiqarish kompaniyalari iste molchi bilan yanada ko'proq hamkorlik qilishni boshladilar (mahsulot dizayni yaratish, mahsulotni individual buyurima asosida ishlab chiqarish, yangi mahsulotning funksional mahsulotlarini ishlab chiqish va boshqalar). Jamiyatni axborotlashirish va raqamlashtirishning o'sishi bilan iqtisodiyotda axborot industriyasi ustunlik qila boshladi, ishlab chiqarish esa tobora innovatsion va intensiv bo'lib bormoqda. Internet auditoriyasi va foydalanuvchi aholi sonining dinamikasiga qaralsa 2019 yil iyun holatiga ko'ra Internet auditoriyasi dunyo miqyosida 4 mlrd dan oshdi va 4 422 494 642 kishini tashkil qiladi, shulardan 50% oshig'i Osiyo mintaqasiga, 16% atrofida Yevropaga, 11% va 10% mos ravishda Afrika va Lotin Amerikasiga, 7% foizdan sal oshiqrog'i Shimoliy Amerikaga va deyarli 4 foizi yaqin sharqda, shuningdek 0.8% atrofida Okeaniya va Avstraliyaga to'g'ri keladi! (1-rasm)



1-rasm. Dunyo mintaqalarida 2019 yil internetdan foydalanish ("Internet Live Stats" kompaniyasi ma'lumotlariga asosida)

Har yili axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasida band bo'lganlar soni ortib bormoqda. So'nggi o'n yilliklarda jamiyatni axborotlashirishni rag'batlantiruvchi asosiy omil bu apparat va dasturiy ta'minotning kengayishi, tarmoq texnologiyalarining rivojlanishi. Dasturiy mahsulotlar ishlab chiqarishda biznesning jadal o'sishi axborot bozorining jadal rivojlanishiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Ochiq yangiliklarni iste'molchilar biznesini innovatsiyalarni yaratish jarayonida faol jalb qilish jarayonida kuzatish mumkin, bunda kompaniyalar nafaqat ichki g'oyalarni (xodimlarning g'oyalari), balki tashqi (iste'molchilar g'oyalari) ham qo'llaydilar. Bilim raqamli iqtisodiyotda strategik muhim ahamiyatga ega. Ular turli sohalardagi kompaniyalarning barqaror iqtisodiy rivojlanishida muhim rol o'ynaydi.

Xulosa va takliflar. Xulosa qilib aytish mumkinki, hozirgi zamonaviy iqtisodiyotda raqamli iqtisodiyotni o'tganish asosida har tomonlama tashkilot va korxonaning biznes faoliyatini turli yo'nalishlarda o'z aksini topgan axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasida tub o'zgarishlar ro'y bermoqda. Shu munosabat bilan iqtisodiy bilimlarni korxonani integratsiyalashning zamonaviy vositalari va usullariga asoslangan holda biznesni rivojlantirish strategiyasini ishlab chiqishda yangi yondashuvlarni shakllantirish tavsiya etiladi. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi ichki va tashqi ishlalarni muhitga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Internet hatto yangi va mayda kompaniyalarga o'z mahsulotlarini butun dunyo bo'ylab sotishga imkon beradi.

Axborot texnologiyalari xarajatlarni kamaytirishga yordam beradi va iqtisodiyotning deyarli barcha sohalarda mehnat unumdorligi va samaradorlikni sezilarli darajada oshiradi.

Raqamli iqtisodiyotga xos bo'lgan innovatsion o'zgarishlar ishlab chiqaruvchilar va

xaridorlar uchun biznesning yangi bozor qoidalarini yaratadi. Raqamli iqtisodiyot muhitida korxonalar doimiy ravishda yangi raqobatbardosh strategiyalarni izlashlari va raqobat samaradorligini oshirishlari kerak.

Yangi sharoitda omon qolish va rivojlanish uchun kompaniyalar raqamli axborot texnologiyalari sohasidagi vakolatlarini oshirishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Don Tapscott – "The Digital Economy. Promise and Peril in The Age of Networked Intelligence Paperback" – May 1, 1997 yil.
2. Benkler Y. The Wealth of Networks: How Social Production Transforms Markets and Freedom. New Haven, Conn. Yale University Press, 2006. 515 p.
3. S.S.Gulyamov va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: Iqtisod Mo'hiya, 2019. 396 b
4. www.wikipedia.com

<p>А.Хамдамов, Б.Бекназаров, Д.Рахмонова</p> <p>Цифровая экономика: новые возможности в бизнесе</p> <p>Аннотация: В статье рассматриваются проблемы согласования бизнеса предприятия с экономикой в условиях быстро меняющейся среды, обусловленной быстрым развитием цифровой экономики. Отражены основные тенденции развития цифровой бизнес-среды на макро и микро уровнях, вопросы повышения эффективности использования внутреннего потенциала предприятия, а также особенности конкурентной борьбы на основе активного использования информационно-коммуникационных технологий.</p> <p>Ключевые слова: цифровая экономика, производство, информация и коммуникация, инновации, открытые инновации, информатизация, Интернет.</p>	<p>А.Намдамов, В.Бекназаров, Д.Рахмонова</p> <p>Digital economy: new opportunities in business</p> <p>Abstract: The article deals with the problems of aligning the business of the enterprise with the economy in the rapidly changing environment resulting from the rapid development of the digital economy. It reflects the main trends of the digital business environment at the macro and micro levels, the issues of enhancing the use of the enterprise's internal potential, and the peculiarities of the competitive struggle based on the active use of information and communication technologies.</p> <p>Keywords: digital economy, manufacturing, information and communication, innovation, open innovation, information, Internet.</p>
--	--

О.К.Хуррамов – БухДУ, “Сервис соҳаси иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: мақолада рақамли туризмнинг мазмун моҳияти ва уни Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари баён этилган. Унда мавзуга оид адабиётлар таҳлили билан биргаликда муаллифнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва хулосалари берилган.

Калит сўзлар: туризм, рақамли туризм, илгор ахборот технологиялари, телекоммуникацион тизимлар, рақамли иқтисодиёт, хизматлар иқтисодиёти

Қиринш. Халқаро майдонда туризм жаҳон иқтисодиётининг энг даромадли соҳаларидан бири ҳисобланади. Туризмнинг муваффақиятли ривожланиши иқтисодий фаолиятнинг транспорт, қурилиш, кишлоқ хўжалиги, меҳмонхона ва ресторан хизматлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш каби муҳим йўналишларга ижобий таъсир кўрсатади. Туризм хизмат кўрсатишнинг етакчи соҳасидир ва миқозларга хизмат кўрсатишнинг замонавий инновацион шакллари ва технологияларини талаб қилади.

Республикамиз Марказий Осиёнинг энг йirik туристик масканларидан бири сифатида иқтисодиётнинг мазкур тармоғини ривожлантиришда катта потенциалга эга

ҳисобланади. Мамлакатимизда сўнгги 3 йилда туризм соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базанинг янада ривожлантирилиши, туристик инфраструктура ривож, сайёҳлик салохияти тарғиботи, кадрлар салохиятини кучайтиришга қатъи эътибор қаратилди. Бу каби амалга оширилаётган туризм соҳасидаги ислохотлар албатта туристлар сонини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида рақамли иктисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири деб аниқ баён этилди[1]. Ушбу вазифа ва шу билан биргаликда жаҳондаги туризм соҳасидаги тенденцияси Ўзбекистонда рақамли туризмни ривожлантириш заруратини юзга чиқармоқда.

Хозирги босқичда глобал туризм индустриясининг ривожланиш тенденцияларидан бири Интернет технологияларининг ривожланиши, бошқача айтганда, туризмнинг замонавий ривожланиши рақамли иктисодиётда кечмоқда. Яъни рақамлаштириш жараёни жуда кўплаб соҳалар каби туризм индустриясини ҳам четлаб ўтмади.

Потенциал сайёҳлар томонидан веб-ресурслардан кенг фойдаланиш рақамли туризм пайдо бўлишига, мижозларга саҳат йўналишини ва туризм соҳасидаги қарорларни қабул қилишга ёрдам берадиган тавсияларни ишлаб чиқиш учун интеллектуал веб-сервисларнинг ривожланишига олиб келди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Илгор ахборот технологиялари ва телекоммуникацион тизимларнинг жадал ривожланиши туризм соҳасини рақамлашувини юза келтирди. Бу борада дунёдаги кўплаб олимлар ўз фикрларини баён этишган. Масалан, Абовд Г.Д. ва бошқа олимлар (1997) саҳат пайтида смартфоннингизда ўрнатган мобил пилдан фойдаланишни таъкидлашган бўлса [2]. Ардиссоно Л. ва бошқалар (2003) фикрда кўра туристик фаолиятдан олдин, фаолият давомида ва фаолиятдан кейин рақамли кўлаб қувватлашлар бўлиб, бу саҳат пайтида муносиб турар жой топиш имконини берувчи тавсиялар тизимларидир [3], деб таъкидлашган.

Урнели Н.(2005) ўз мақоласида технологияларни кўлаш орқали максат сайёҳлик тажрибасининг сифатини ёки даражасини янада оширишди[4], деб ётган.

Де Каролис Б. ва бошқа бир гуруҳ олимлар (2009) сайёҳлар диққатга сазовор жойларни томоша қилиш, эсдалик совғаларини излаш ва харид қилиш каби жараёнларида интернет фойдаланиш, сайёҳлик ёрдамчилари каби турли хил восита ва ечимлардан фойдаланишини, ушбу восита ва ёндашувлар рақамли туризм соҳасидаги лойиҳалашни аниқлаштири бўйича мулоҳазалар қилишган [5].

Дурранг А. ва бошқалар(2011) яна бир тадқиқотларида рақамли туризмни музейлар, кишлоқ жойлари, ҳайвонот боғлари ва тематик боғлар каби турли йўналишларда кўлланилиш афзалликларига эътибор қаратишган[6].

Счинке Т. ва бошқалар (2010), Ватанабе А. (2012) каби яна бир гуруҳ олимлар тадқиқотларида туризмда мобил қурилмаларнинг аҳамиятига жиҳатларига эътиборни қаратиб, сайёҳлик ва геолокацион иловалар, виртуал ҳақиқат (virtual reality) иловалари қанчалик туристик манзилларни намойиш қилишда муҳимлигини таъкидлаб ўтишган [7],[8].

Бенён Д. ва бошқалар (2014) тадқиқотларида рақамли туризмнинг маъносига эътибор қаратиб, уни рақамли воситалар орқали туризм тажрибасини кўлаб-қуватлаш деб таъкидлашган. Рақамли туризм - бу ахборот-коммуникация воситаси, IT-ечим туристларнинг эhtiёжларини қондиришга ёрдам берадиган ва туризм соҳасида ташкилотлар ва корхоналарнинг рақобатдошлигини оширадиган воситадан фойдаланишни аниқлади [9].

Рақамли туризм бўйича етуқ мутахассислардан бири Буок Британия Борнмут университети профессори Дмитриос Бухалис бўлиб, у рақамли туризмнинг электрон туризм, smart туризм атамалари билан бир хил эканини таъкидлаб, электрон туризм бу ташкилотларга туризм, саҳат, меҳмондўстлик ва умумий овқатланиш соҳаларидаги

самардорлиқни оширишга имкон берадиган барча жараён ва хизмат занжирларини рақамлаштиришди, деб таъкидлаган [10].

Электрон туризмнинг моҳияти шундаки, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш туризмнинг барча соҳаларида учрайди. Электрон туризм электрон тижоратнинг бир тури сифатида, шунингдек, махсусот ва хизматларни электрон тизим орқали сотиш билан шугулланадиган соҳадир[11]. Электрон тижорат сингари, у электрон тизим орқали туризмнинг барча соҳаларида амаллашувини, бошқарув тизимлари ва маълумотларнинг автоматлаштирилган бошқаришини ҳам ўз ичига олади[12]. Бундан ташқари, электрон туризм туризмнинг ўзига хос фаолияти, масалан, виртуал маконда туристерларнинг, сайёҳлик агентликлари хилма хил тақлифларини пайдо бўлишини юзга келтирди[13]. Шунингдек, электрон туризм электрон маълумотлар, электрон брон (меҳмонхоналар, транспорт ва бошқалар) ва истеъмолчилар учун электрон тўловларни ўз ичига олади. Хозирги вақтда рақамлаштириш ҳаётнинг барча соҳаларида ривожланишмоқда. Бухалис ва Жун (2011) маълумотларига кўра, рақамли туризм рақамли воситалар ва техникаларнинг пайдо бўлиши туфайли туризмда парадигма ўзгариши ҳисобланади[11].

Ушбу соҳага оид адабиётлар таҳлили натижасида, фикримизча рақамли туризм деганда саҳатни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва ундан баҳра олиш жараёнларида рақамли воситалардан фойдаланиш бўлиб, бунда саҳатчиларга саҳатдан олдин, саҳат давомида ва ундан кейин тақлим этилаётган электрон хизматларга мажмуаи муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқот томонидан қўлланилган методология мавзуга оид адабиётларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилишга асосланди. Бунда интеграцияланган адабиётларни кўриб чиқиш усулидан фойдаландик. Тадқиқот давомида иктисодиёт соҳаларининг рақамлашуви, рақамли туризм, электрон туризмга эътибор қаратган ҳолда олдин олиб борилган ва хозирда олиб борилаётган тадқиқотлар ўрганилди. Ушбу соҳани ўрганишга бағишланган маърузалар, конференция материаллари, Интернет нашрлари ва журналлар, шунингдек мавзу бўйича янги адабиётлар ва истикболли лойиҳа маълумотлари ўрганилиб, таҳлил, синтез, танқидий фикрлаш, умумлаштириш каби усуллар қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Европа ва АҚШда ташкил этилмаган (яъни ҳеч қандай туроператор ва тургагентларсиз) туризмнинг кескин ривожланиши айнан рақамли туризм ҳиссасига тўғри келади. Турнет хали бирор туристик дестинацияни танлашдан олдин, мустакил равишда уйдан чиқмасдан ўша жой ҳақида интернет орқали (ҳатто 360 даражали ва панорамик кўринишлар орқали) батафсил маълумотга эга бўлади, ўзига қулай йўналишлар бўйича электрон авиа(темир йўл, автобус) чипталарини харид қилади, хоҳишига кўра меҳмонхона туридарида бирини жуда кўплаб интернет порталлар тақлифларидан танлаб олади, ижтимоий тармоқларда саҳат тўғрисидаги ўзига ўхшаган туристларнинг тавсиялари ва шарҳларини кўриб бориб, ўз фикрларини билдириб боради, саҳати давомида эса Google Maps, Mars.me каби онлайн ва офлайн хариталардан, геолокацион сервислар, мобил илова, QR код технологияларидан унумли фойдаланиб максимал даражадаги қониқшга эришади.

Хозирги кунда аънавий сайёҳлик саноатини рақамли туризм индустриясига «алмаштириш» тенденцияси намоён бўлмоқда. Рақамли туризм нафақат пулни, балки асабини ва қимматли вақтингизни тежашнинг ажойиб усулидир.

Рақамли туризм қуйидаги хизматларни ўз ичига олган электрон хизматларни ўз ичига олади:

- ахборот хизматлари (масалан, манзиллар, туристик йўналишлар ёки меҳмонхоналар тўғрисида маълумот бериш, Google Maps, TripAdvisor ва TripAdvisor);
- алоқа хизматлари (масалан, мижоз билан муҳокама ёки электрон почта хабарини юбориш);

- тўлов ёки транзакциялар бўйича хизматлар (масалан, брондлаш, электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотлар)

- электрон маркетинг хизматлари (масалан, кидирув тизимлари, баннерли реклама, мобил иловалар, QR код, ижтимоий медиа ва х.к.)

Рақамли туризм хизматлари сaxeтчига маршрутни режалаштиришда ёрдам бериш учун керакли турар жойни топиш бўйича маслахат бериши мумкин. Бундан ташқари, улар ўз мобил телефонларига мобил илова қўлланма сифатида ўрнатиш имкониятига эга бўлишади.

Хулоса ва тақдирлар. Мамлакатимизда рақамли туризмни ривожлантиришнинг кўндалаги устувор йўналишларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

а) Туристлик инфратузими билан биргаликда **туристик инфотузими**ни ривожлантириш. Туристлик инфотузимида туризмга таалуқли барча турдаги хизматлар тўғрисидаги маълумотлар мажмуасидир. Туризм ривожига таалуқли барча соҳаларда инновацион маълумот олиш манбаларини жорий қилиш ва уларни жалд такомиллаштириш **рақамли маконни** шакллантириб, ундан самарали фойдаланиш нафақат маҳаллий сaxeтчилар, балки хорижий сайёхлар учун ҳам муҳим омиллардан бири саналади. Бунда хизматлар тўғрисидаги нафақат анъанавий шаклдаги буклет, флаер, варақа, брошюра ва баннерларни тайёрлаш, балки рақамли кўринишдаги веб саҳифалар, ижтимоий тармоқлар (Facebook, Instagram...) даги саҳифалар, мессенжер (WhatsApp, Telegram)лардаги канал ва ботлар, видео портал (You Tube, Rutube, Youtube)лардаги профиллар, смартфон ва планшетлар учун мобил иловаларга устуворлик берилади.

б) мамлакатимиздаги турооператор ва турагентлар, мехмонхона ва рестороанлар, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатувчи туристик корхоналарнинг мутахассис ва ходимларини бугунги кундаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, рақамли маркетинг, электрон бизнес имкониятлари, GoogleAnalytics, Яндекс.Метрика, Ижтимоий медиа, Facebook, Instagram, WhatsApp, Telegram имкониятлари, e-mail маркетинг, мобил маркетинг (QR код, мобил илова), интернет рекламанинг инновацион усуллари каби рақамли билдирлар ва замонавий ахборот технологиялари бўйича маҳаллий соҳа мутахассислари ва хорижий экспертларнинг ўқув семинарлари ва тренингларига мунтазам қатнашишни таъминлаш зарур. Натижада тренингларда замонавий билдирларни эгаллаш ходимлар ўз фаолиятларидаги камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш ва ҳамда истиқболли амалий тавсия ва тақдирлар ишлаб чиқиб, соҳаларини яна ривожлантира олишади.

в) Мамлакатимиздаги туристик корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иқтисодий муносабат ва бошқарув соҳасида замонадан ортда қолишини бартараф этиш учун истиъмолчилар билан коммуникация қилиш, электрон тўловларнинг янги шакллари жорий этиш орқали секин асталик билан билан бўлсада фаолиятларини трансформация(он-лайн режими) қилишлари талаб этилади.

г) Ўзбекистонда рақамли туризмни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар, амалий тадқиқотлар олиб бориш, дарслик, ўқув қўлланма ва кўрсатмалар яратишни қўллаб қувватлаш ушбу соҳани янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, рақамли туризм технологияга асосланган кидирувлар асосида сaxeт тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги ва хилма-хиллиги, айнан бир destinationга ҳақида ундан фойдаланганларнинг фикр-мулоҳазалари, фото сурат ва видео роликлари ўша манзилни танилаш ёки танламасликка қарор қабул қилишга, режалаштиришга ҳамда уни амалга оширишга ёрдам беради.

Туризмдаги рақамлантириш сайёхлик бизнесини нафақат замонавининг воқеаларга мослашувчан, балки ривожланаётган "рақамли дунё"да янада рақобатбардош қилишга мажбур қилади. Мехмондўстлик саннатини рақамлантириш нафақат биз миждозларга жуда катта қулайликлар, манфаатлар беради ва ўз навбатида туристик компанияларнинг эгаларига эса янада юқори даромад олишлари имконини беришни вазиятларни таъминлашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги УЎбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мурожаатномаси. <http://piza.uz/uz/politics/uzbek-istan-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>
2. Abowd GD, Aikson CG, Hong J, Long S, Kooper R, Pinkerton M (1997) Cyberguide: a mobile context-aware tour guide. *Wireless Networks* 3, 5, pp 421–433
3. Ardissano L, Goy A, Petrone G, Segnan M, Torasso P (2003) Intrigue: personalized recommendation of tourist attractions for desktop and handset devices. *Applied artificial intelligence, special issue on artificial intelligence for communities of agents*
4. Uriely Natan (2005) The tourist experience: conceptual developments. *Ann Tour Res* 32(1), 199–216
5. De Carolis B, Novielli N, Plantamura V, Gentile E (2009) Generating comparative descriptions of places of interest in the tourism domain. In *Proceedings of the third ACM conference on recommender systems (RecSys '09)*. ACM, New York, pp 277–280
6. Durrant A, Golembewski M, Kirk D, Benford S, Fischer J, Rowland D, McAuley D (2011a) Automics: souvenir generating photo ware for theme parks. In: *Proceedings of the 2011 annual conference on Human factors in computing systems (CHI '11)*. ACM, New York, pp 1767–1776
7. Schinke, T., Henze, N., & Boll, S. (2010, September). Visualization of off-screen objects in mobile augmented reality. In *Proceedings of the 12th international conference on Human computer interaction with mobile devices and services* (pp. 313–316).
8. Watanabe A (2012) Inside 'world's first augmented reality hotel'. Retrieved on 14 Mar 2012
9. Benyon, D., Quigley, A., O'Keefe, B., & Riva, G. (2014). Presence and digital tourism. *AI & society*, 29(4), 521–529
10. Buhalis, D. (2003). *eTourism: Information technology for strategic tourism management*, Pearson (Financial Times/Prentice Hall), London ISBN 0582357403.
11. Buhalis, D., & Jun, S. H. (2011). E-tourism. *Contemporary tourism reviews*, 1, 2–38
12. Buhalis, D., & Licata, M. C. (2002). The future eTourism intermediaries. *Tourism management*, 23(3), 207–220.
13. Buhalis, D., Leung, D., & Law, R. (2011). eTourism: critical information and communication technologies for tourism destinations. *Destination marketing and management: Theories and applications*, 2011, 205–224.
14. Navruz-Zoda B. et al. The destination marketing development of religious tourism in Uzbekistan //International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage. – 2016. – Т. 4. – №. 7. – С. 9-20.

<p>О.Хуррамов Перспективы развития цифрового туризма в Узбекистане</p>	<p>О. Khurramov Prospects for the development of digital tourism in Uzbekistan</p>
<p>Аннотация: в статье рассмотрены сущность цифрового туризма и перспективы его развития в Узбекистане. В ней также приведены анализ соответствующей литературы, а также комментарии, предложения и выводы автора. Ключевые слова: туризм, цифровой туризм, современные информационные технологии, телекоммуникационные системы, цифровая экономика, экономика услуг</p>	<p>Abstract: the article discusses the essence of digital tourism and the prospects for its development in Uzbekistan. It also provides an analysis of the relevant literature, as well as comments, suggestions and conclusions of the author. Keywords: tourism, digital tourism, modern information technologies, telecommunication systems, digital economy, service economy</p>